

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ЎзМУ ректори



“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзш ва ўрта махсус таълим вазирлиги



ДИНШУНОСЛИК

ФАН ДАСТУРИ

(барча бакалавриат таълим йўналишлари учун)

ТОШКЕНТ-2018

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2018 йил "18" 08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил "25" 08 даги 744 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Ф.Бозарова	ЎзМУ, "Маънавият асослари ва диншунослик" кафедраси мудири в.б., ф.д.
О.Нишонова	ЎзМУ, "Маънавият асослари ва диншунослик" кафедраси профессори в.б., ф.ф.д.
А.Ташанов	ЎзХИА "Ислох иктисодиёти ва халқаро муносабатлар" факультети декани, ф.д.
М.Артиков	ЎзМУ, "Маънавият асослари ва диншунослик" кафедраси доценти, ф.ф.н.
Б.Джалилов	ЎзМУ, "Маънавият асослари ва диншунослик" кафедраси доценти, ф.ф.н.

Такризчилар:

С.Абдуллаев	А.Навоний номидаги ЎзТАУ декани, ф.ф.н.
У.Кушаев	Ўз ЖТУ доценти, ф.ф.н.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил "13" 07 даги "3" - сонли баённома)

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни

“Диншунослик” фани жамият маънавий ҳаётида диннинг тутган ўрни, унинг турли шакллари, таълимоти, йўналиши ва оқимлари, виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойиллари, диний дунёкараш, Ўзбекистонда дин ва диний ташкилотлар фаолияти, дин никобидидаги радикал диний оқимлар, шахс тарбиясида миллий ва диний кадрларнинг уйғунлиги масалаларини қамраб олади. Мазкур фан Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига киритилган бўлиб, бакалавриятнинг барча 1-курс талабаларига ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

“Диншунослик” фанини ўқитишдан мақсад – талабаларда дин, унинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ҳақида ҳолис, тўғри дунёкарашни шакллантириш ҳамда юксак маънавиятли кадрларни тарбиялашдан иборат.

Фанининг вазифаси – талабаларга турли динларнинг келиб чиқиши, тарихи, тараққиёти, таълимоти, асосий манбалари, ҳозирги даврдаги ҳолати, маълум халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий назарий тушунчалар бериш, уларда бузғунчи ғояларга қарши иммунитетни шакллантириш, шунингдек, аждодлар меросини ўргатиш асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат.

Фан бўйича талабанинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- диншуносликнинг фан соҳаси сифатида пайдо бўлиши, унинг тарихи ва таълимотлари; динларнинг дунё халқлари маданияти, урф-одатларига таъсири; диний дунёкарашнинг шаклланиши; дунё халқлари динлари, дунёнинг диний-конфессионал манзараси ҳақида *масаввурга эга бўлиши;*

- диннинг ижтимоий-маданий ва маънавий-ахлоқий ҳаётдаги ўрнини; дунё динлари ва асосий диний конфессияларнинг диний-илоҳий тизими асослари ва мақсадини; Марказий Осиёда мавжуд бўлган динларнинг таълимотлари ва уларнинг халқимиз урф-одатларида акс этишини; диннинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрнини *билиши ва фойдалана олиши;*

- дин билан боглик жараёнларни маҳаллий урф-одат, анъаналардан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қила олиш; турли динга ишонувчилар ва ишонмайдиганлар билан умумий тил топишиш, улар билан мулоқот қила олиш; дин номи билан сунъий боғланган маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларига қарши курашиш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. Диншунослик фанига кириш

Диншунослик фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Диншуносликнинг ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқадорлиги. Диншунослик фанини ўрганишнинг жамият барқарорлигини мустаҳкамлаш, диний бағрикенгликни тарбиялаш, виждон эркинлигини таъминлашдаги

аҳамияти. Диншуносликда шаклланган мифологик, тарихий, социологик, антропологик ва бошқа мактаблар.

2-мавзу. Диннинг моҳияти, тузилиши ва функциялари

Динга берилган таърифлар. Дин – ижтимоий онг шакли, муайян турмуш ва тафаккур тарзи, маънавий кадрият сифатида. Диннинг жамият ва шахс маънавияти юксалишидаги, комил инсонни тарбиялашдаги аҳамияти. Диннинг структураси. Диннинг ижтимоий функциялари: дунёкарашни шакллантириш, ёш авлодни тарбиялаш, тартибга солиш, бирлаштириш , тасалли бериш, алоқа ўрнатиш ва х.к. Динлар таснифи.

3-мавзу. Уруғ-қабила ва миллий динлар

Инсониятнинг дастлабки маданият ўчоқлари ва улардаги диний тасаввурларнинг хилма-хиллиги. Илк табу (таъқик), тотемизм, анимизм, фетишизм, шомонлик, магия (сеҳргарлик). Қадимги Миср, Бобил ва Ассурия динлари. Антик даврда кўпхудолик динлари. Ҳиндуийлик. Ведалар ва упанишадлар – ҳиндуийликнинг мукаддас китоблари. Брахманлик таълимотида касталар. Конфуцийлик. Даосизм - фалсафий таълимот. Иудаизм – яҳудий миллий дини. Япон миллий дини – синтоизм, унинг асосий ақидалари ва маросимлари.

4-мавзу. Жаҳон динлари: буддизм ва христианлик

Буддизм. Буддизм таълимоти – тўрт олий ҳақиқат, нирвана. Буддизм ахлоқий таълимоти – “панча-шила”. Буддизмдаги оқимлар: махаяна, хинаяна, ламаизм ва х.к. Ўзбекистон ҳудудидаги буддизм ёдгорликлари ва уларнинг тадқиқ этилиши. Христианлик. Христиан илоҳиёти. Яқка худонинг уч киффаси: Ота-худо, Ўғил-худо, Мукаддас рух. Христианликдаги асосий оқимлар – ортодокс (православие), католицизм, протестантизм. Христианликнинг Ўрта Осиёга кириб келиши.

5-мавзу. Ислом дини

Ислом дини шаклланишидаги тарихий шароит. Муҳаммад пайғамбар (а.с.) ҳаёти ва фаолияти. Ваҳийнинг нозил бўла бошлаши. Мадинага хижрат. Макканинг фатҳ этилиши. Ҳалифалик. Исломда мазҳабларнинг пайдо бўлиши, илк ихтилофлар. Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши. Қуръон – ислом динининг мукаддас китоби. Ҳадислар. Ислом таълимотида оила мукаддаслиги. Эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва бурчлари. Исломда аёлларга муносабат.

6-мавзу. Ислом таълимоти

Ислом илоҳиёти, унинг асосий ақидалари. Ислом фалсафаси олам ва одамининг яратилиши, инсон ҳаётининг мазмуни, эзгулик ва ёвузлик кураши тўғрисида. Қалом фалсафаси. Имом Мотуридий таълимоти. Абу Наср Форобий ва Абу Али ибн Синонинг фалсафий карашлари. Абу Ҳомид

Ғаззолий, Ибн Рушд фалсафий таълимотлари. Тасаввуф (суфизм) таълимоти ва тарикатлари. Ўзбекистон алломаларининг ислом таълимоти ва дунёвий фанларни ривожлантиришдаги тарихий хизматлари.

7-мавзу. Халқимиз маънавий юксалишида динларнинг ўрни

Авесто – халқимиз диний, ахлокий, илмий, адабий карашларини ифода этадиган бебаҳо маънавий мерос. Туркий халқларнинг исломгача бўлган яққахудолик дини – Тангрига эътиқод ва унинг диний онг ривожига аҳамияти. “Муслмон ренессанси” – Шарқ уйғониш даври маънавиятининг хусусиятлари. Мустахлак ва мустабид тузум шароитида Ўзбек халқини миллий ва диний кадрлардан маҳрум этишга уринишлар. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маънавиятнинг давлат сиёсатида устувор соҳага айланиши. Ҳадисшунослик, фикх, тасаввуф мактабларининг ташкил этилиши. Диний-маънавий меросни ўрганишнинг ҳозирги замон муаммоларини ҳал этишдаги роли.

8-мавзу. Ўзбекистонда виждон эркинлиги

Виждон эркинлиги тушунчаси. Халқаро меъёрий ҳужжатларда виждон эркинлиги. Ўзбекистонда виждон эркинлигининг Асосий Қонун билан кафолатланиши. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний конфессия ва ташкилотлар. Миссионерлик ва прозелитизм хавфининг бартараф этилиши. Маърифий исломни тарғиб этиш – ёшларни диний мутаассиблик, ақидапарастлик ва экстремистик ғоялардан муҳофаза этишнинг оқилона йўли.

9-мавзу. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш:

Ўзбекистон тажрибаси

Диний мутаассиблик (фанатизм), экстремизм, ақидапарастлик (фундаментализм), халқаро терроризм тушунчаларининг мазмуни ва реакция моҳияти. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш. Виртуал олам таҳдидлари. Интернет муаммоси. Кибермақом ва дин. Глобал тармоқдаги ғоявий хуружларга қарши кураш. Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризм хавфини олдини олишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари. Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги ташаббуслари ва уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши.

IV. Семинар машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулоти учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Диншунослик фанига кириш
2. Диннинг моҳияти, тузилиши ва функциялари
3. Диннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни
4. Уруг-қабил динлари
5. Миллий динлар

6. Буддизм жаҳон дини
7. Христианлик жаҳон дини
8. Ислом дини
9. Ислом таълимоти
10. Исломдаги мазҳаблар ва йўналишлар
11. Тасаввуф таълимоти ва тариқатлари
12. Исломда оила масаласи
13. Халкимиз маънавий юксалишида динларнинг ўрни
14. Зардуштийлик дини. Авесто – халкимиз диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бебаҳо маънавий мерос.
15. Ўзбекистонда виждон эркинлиги
16. Динийлик ва дунёвийлик муаммоси
17. Глобаллашув ва дин
18. Диний экстремизм ва терроризмга қарши қураш: Ўзбекистон тажрибаси

Семинар машғулотлари мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Алломалар дин тўғрисида.
2. Диннинг ижтимоий вазифалари (компенсаторлик, интеграторлик, регуляторлик, коммуникатив, легитимловчилик).
3. Илк диний тасаввурлар.
4. Қадимги Юнон ва Миср худолари.
5. Қадимги Миср эҳромлари.
6. Яҳудийлик динининг хусусиятлари.
7. Ҳиндуийликдаги учлик (тримурти) худолари.
8. Зардуштийликнинг вужудга келиши.
9. “Авесто” – зардуштийликнинг муқаддас манбаси.
10. Медитация – буддавийликнинг муҳим қоидалари.
11. Буддавийликдаги тўрт ҳақиқат.
12. Исо Масих (*Иисус Христос*) ҳаётига доир маълумотлар.
13. Христианлик манбалари
14. Христианликдаги оқимлар.
15. Исломнинг вужудга келиши ва тарқалиши.
16. Исломдаги мазҳаблар
17. Ислом – маърифат дини.
18. Куръон Шарҳ халқларининг диний, илмий ва маънавий мероси сифатида.
19. Ҳадисларда миллий ва диний кадрларнинг ақс этиши.
20. Тасаввуф фалсафаси

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. -Тошкент: ЎзМУ, 2004. -208 б.
2. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик (маърузалар матни). - Тошкент: ТошДШИ нашриёти, 2000.
3. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). -Тошкент: «Mehnat», 2004.
4. Очилдиев А. ва бошқалар. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма). – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси, 2013.
5. Хасанов А. ва бошқалар. Ислом тарихи (дарслик). - Тошкент: Тошкент ислом университети матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2008.

Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2014. -76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташиқлотлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири), 1998.
3. Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони / Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.
4. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоиласи бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -104 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -488 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -176 б.
7. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарк, 2015. -732 б.
8. Adams D. The Sewille statement on violeme. -Paris, UNESCO, 1991.
9. Armstrong K. Islam. A Short History. -London, 2002.
10. Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
11. Имом ал-Бухорий: Ал-Жамиъ ас-сахих. IV жилдлик. -Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1993.
12. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. Масъул муҳаррир З.И.Мунавваров. –Тошкент, 1998.
13. Ислом (энциклопедия). Зухриддин Хуснидинов таҳрири остида. - Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.
14. Муҳаммад Юсуф М.С. Ҳадис ва ҳаёт. Т.3. –Тошкент: Шарк, 2003. - 255 б.

15. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н.Яблокова. Изд. Второе. – М., 1998.

16. Ташанов А. Мутассибликнинг кўринишлари ва оқибатлари. – Тошкент: Академия, 2011. -32 б.

17. Қуръони қарим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент Ислом Университети нашриёти, 2001, 2007.

18. Ҳусниддинов З.М. Ислом йўналишлари, мазҳаблар, оқимлар. – Тошкент: Мовароуннахр, 2000.

Интернет сайтлари

1. <http://www.religioustoleranje.org/gld.htm>
2. <http://www.alreligion.about.com>
3. <http://www.islam.ru>
4. <http://www.glossarist.com>
5. www.infoxs.uz
6. www.turkistonsarkor.uz
7. www.ziyonet.uz